

ШАМСУ-Л-АИММА САРАХСИЙНИНГ “МАБСУТ” АСАРИДА “САЛАМ” САВДОСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Қосимов Миржалол,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторанти

97 272 7117; e-mail: qosimov17@mail.ru

Шамсу-л-аимма Сарахсий милодий XI асрда яшаб ижод қилганлигига қарамасдан унинг “Мабсут” асари ислом фикҳининг муомалот соҳасида бугунги кунга қадар кенг ўрганилиб келинмоқда. Маълумки, фикҳнинг муомалот қисмининг энг муҳим бўлаги олди-сотди қисми яъни, байъ китоби бўлиб, ушбу мақолада мазкур китобнинг салам савдосига боғлиқ масалалари зикр этилади.

Салам луғатда “таслим қилиш”, “бериш” деган маъноларни англатади.

Шариатда эса, зиммадаги васф қилинган молнинг қийматини олдиндан беришга айтилади.

Бундоқ васфни салаф ҳам дейилади, бу қиймати олдиндан берилган, деган маънони англатади.

Бу савдо ҳожат тушганда рибонинг аралашмаслиги шарти ила жоиз. Яъни, олди-сотди қилинаётган нарса бир хил бўлмаслиги керак.

“Салам”да оловчи сотувчига: “Мен сенга бу динорни фалон нарсани менга сотишинг учун, фалон вақтда ва фалон жойда беришинг учун топширдим”, дейди¹.

Шунингдек, Салам келишувида деҳқончилик, ишлаб чиқариш ва тижоратга оид фойда олишга туртки берувчи катта ёрдам мавжуд бўлиб, икки томоннинг ўзаро шериклик асосидаги манфаатлари хизмат қилади. У иқтисодиёт урфида сотиб оловчининг сотувчига киритган инвистицияси қабилидан хисобланади.

Ислом фикҳи аввал бошдан мавжуд бўлмаган нарсага савдо қилиш мумкин эмаслигига кўра қоида ишлаб чиқкан. Бироқ, ижтиҳодлар иттифоқи билан салам савдосини истисно этган. Зоро унда умумий иқтисодий фойда мавжуд. Бунга далил ўлароқ, Қуръони каримнинг энг узун ва ўзида қарз масалаларини жам этган ояти бўлмиш Бақара сурасининг 282 ояти далил қилинади. Ҳадиси шарифда эса салам тўғрисида қуйидагича зикр этилади: “ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам инсон ўзида мавжуд бўлмаган нарсани савдо қилишидан қайтарғанлар, саламга рухсат берганлар ва қуйидагича айтганлар: “Ким салам савдо қилса, маълум вақтгача аниқ кайл²га ва аниқ вазнга кўра салам савдосига келишсин”³.

Мабсут асарида келтирилган салам савдосига оид баъзи ҳукмларни куллий қоидалар асосида кўриб чиқсак.

Асарининг 12-китобида келтиришича, мавсумида, шиннини ўлчаб, тортиб салам савдосини амалга ошириш жоиздир. Сабаби шинни ҳам сут каби ё тортилади, ё ўлчаланади. Суюқликларни ўлчаган ёки тортган ҳолда оғирлиги маълум бўлсагина салам жоиз бўлади. Микдор эса ҳажм ва вазнда аниқ бўлади. Бу масалада қоида қуйидагичадир: Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида микдори ўлчов билан белгиланган ҳар қандай нарса, торозида тортишни одат қилинган бўлса ҳам, охиригача микдори ўлчалган хисобланади, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида торозига қўйилиб сотилганлар эса, ҳар доим вазни (тортилган) хисобланади. Қай тарзда сотилиши белгиланмаган ҳолатларда эса, маҳаллий одатларда қандай бўлса, шундай сотилади.

Абу Юсуфдан бир ривоятга кўра ҳар қандай одат аҳамиятлидир. Ҳазрати Пайғамбаримиз даврларида ўлчов билан сотилган нарсалар, Аллоҳнинг элчисидан келган насс билан эмас балки одатларга биноан қайдли бўлган эди. Ҳанфийларнинг аксари эса, Ҳазрати Пайғамбаримизнинг

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт: молиявий муаммолар китоби. Тошкент. Ҳилол нашр матбаа бирлашмаси. 153-154 бетлар.

² Нарсаларни ҳажмда ўлчаш тури, масалан идишда маҳсулотларни ўлчашга оид.

³ Мустафо Аҳмад Зарқо. Ақдул байъ. Дамашқ. Дору-л-қалам. 2012. 147-бет.

одамлар одатини қабул қилишлари, худди очиқ насс билан баробардир, дейдилар. Бундан ташқари бу одат билан ўзгармайди. Насс бўлган жойда одатга эътибор қилинмайди. Бу ерда Абу Юсуф одатларнинг моҳияти билан боғлиқ ташаббускорлик қилиб, шаҳар одатларини бошқалари билан ҳисоблаган⁴.

Бу ерда “Одат билан тайин бўлган, насс билан тайин бўлган кабидир” қоидаси қўлланилган.

Бирор киши минг дирхамлик буғдойни салам асосида сотса, бу минг дирхамнинг беш юзи қарз, қолган беш юзи эса олдиндан тўланса, олдиндан берган беш юзи эвазига салам савдоси жоиз бўлади. Имом Зуфарга кўра, минг дирхамлик буғдойнинг барчасига салам савдоси соҳта ҳисобланади. Бунга Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, қарзни қарз эвазига сотишни ман килганлари далиллар. Хатолик шартноманинг бир қисмида бўлиши, унинг бутунини бекор қиласди. Бу ерда сотувчи тўлови амалга оширилган салам мулкини, қолганини қарзга бериш учун шарт қилиб олгандай бўлади. Бу хато шарт ҳисобланади. Ҳанафийларнинг кўпчилиги бу борада фикри Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)нинг ривоятларига асосланган.

Бундан ташқари, ҳам қарз, ҳам маъно жиҳатидан пулнинг бир қисми бутуннинг кучига эгадир. Шартнома вақтида пулнинг бутуни берилса, бўлган савдога қарамай шартнома саҳих ҳисобланади. Юқоридаги ҳолатда ҳам шартнома саҳих ҳисобланади, Сабаби шартнома қолган қарзга асосланниб эмас, берилган пул миқдорига асосланниб тузилади. Харидор қарзга қарз берувчидан мулк олса, кейинчалик қарз берувчидан қарзини узса, шартнома саҳих ҳисобланади. Саламдаги мулк шартнома вақтида топширилмагани учун фақатгина қарз бўлган беш юз дирхам эвазига бўлган буғдой фасод ҳисобланади. У ҳам бўлса кейинчалик келиб чиқкан хатоликдир. Фақатгина камчиликли қисмiga тегишилди. Агар шартномадги мулкнинг ярми топширилишидан аввал йўқ бўлса ҳам хукм ўзгармайди.

Бу ерда Абу Ҳанифанинг тез-тез такрор этган “Шартноманиг бир қисми бузилса, бутуни бузилади” қоидаси қўлланилгандир.

Шартнома вақтида сотувчи пулларни олиб кетса, кейинчалик пулларнинг сингани (зөъе) эканлигини кўрса, хоҳласа пулни қайтариб беради, хоҳласа пулни борича қабул қиласди. Бу ҳолатда шартнома жоиздир. Чунки синган танглар ҳам пул, фақат нуқсонлидир. Бирор нарсада нуқсоннинг бўлиши уни бошқа жинсдан қилмайди. Бошқа тарафдан эса синган пуллар хазинага қабул қилинмайдиган, аммо савдогарлар орасида муомалада бўлган пул ҳисобланади. Набахрожа пуллари эса савдогарлар орасида турли хил қабул қилинадиган пул ҳисобланади, таркибидаги бегона модда (ғаш) бўлганлиги туфайли қабул қилмайдилар. Фақат бу билан ҳам у дирхам, (пул) ҳисобланаверади. Шу сабабли ҳам уни олган киши ҳаққини олган саналади, унинг розилиги билан шартнома жоиз саналади. Аммо олинган пулнинг орасида ситтука (кумуш суви юргизилган мис пул) ёки қўрғошин бўладиган бўлса, пул ҳисобланмайди. Ситтука кумуш суви юргизилган, қўрғошин эса зотан дирхам туридан эмас. Булар билан савдо қилиб бўлмайди. Сотувчининг бу пулларни олиши, уларни алмаштирганини англатади, Мулкни тасарруфига ўтказмай туриб, пулни алмаштириш эса жоиз бўлмайди.

Юқоридаги маълумотлар асосида хуроса қилиш мумкин:

“Салам” савдоси ислом шариатида жоиздир. Ушбу савдо турининг мумкинлигига уламолар иттифоқ қилишган ва Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан далиллар ҳам келтирилган.

Салам савдосида тортиладиган ёки ҳажмда ўлчанадиган каби аниқ товарлар билан савдо қилинади. Қай йўсинда тортиш имкони бўлмаса одамлар урфига мурожаат қилинади.

Салам савдоси учун берилган пул қарз ҳисобланади. Шунингдек, тайинланган пулнинг маълум бир қисмини бериш билан ҳам салам савдосини амалга ошириш мумкинлигини жумҳур уламолар таъкидлашган.

Агар салам савдоси учун берилган танглар синган бўлса, пул сифатида қабул қилиш ҳам жоиз бўлиб, шартнома ўз кучида қолиши мумкин. Агар сотувчи пулларни қайтариб бериб, мазкур пуллар орқали шартнома қилишни хоҳламаса, бу унинг ихтиёри ҳисобланади. Салам савдосига деб

⁴ Имом Сарахсий. Мабсут. Байрут. Дару-л-Китаби-л-Илмия. 2017. 12-жилд. 170-бет.

берилган пуллар бошқа жинсдан бўлса ёки дирҳамларга бошқа моддалар аралашган бўлса шартнома тўғри бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт: молиявий муаммолар китоби. Тошкент. Ҳилол нашр матбаа бирлашмаси.
2. Мустафо Аҳмад Зарқо. Ақдудл байъ. Дамашқ. Дору-л-қалам. 2012.
3. Шамсу-л-аимма Саражсий. Мабсүт. Байрут. Дару-л-Китаби-л-Илмия. 2017.12-жилд.
4. Matibaeva, Raziya (2019) «SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR», *The Light of Islam: 2019* (4), 3.
5. MATIBAYEVA, Raziya (2019) «THE DEVELOPMENT OF KHANAPHISM IN MAVARANNAKHR», *The Light of Islam: 2019* (3), 16.
6. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
7. Матибаева, Р. Б. (2020) Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы / Молодой ученый. — 2020. — № 42 (332). — С. 282-284.
8. Матибаева, Р. Б. (2020) Имам Абу Ханифа и теория познания / Исследования молодых ученых: материалы XIV Междунар. науч. конф. (г. Казань, ноябрь 2020 г.) –Казань: Молодой ученый, 2020. – С. 70-71.
9. Matibaeva Razia Baltabaevna. (2020). USE OF SHORTS IN TRAINING EASTERN LANGUAGE. *Archive of Conferences*, 9(1), 15-16.
10. KAZAKBAYEV Akbar, (2019) Osobennosti prepodavaniya inostrannix yazikov: problemi i metodi. *The Light of Islam: 2019* (4), 14.
11. Казакбаев, Акбар. (2020) Цели обучения синхронному переводу / Исследования молодых ученых: материалы XIV междунар. науч. конф. – Казань: Молодой ученый, 2020. – с. 62-64.
12. Kazakbaev, Akbar (2020) "THE PROBLEMS AND METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES," *The Light of Islam: 2020* (2), 8.